

ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Каримова Л.Б.

СамДЧТИ Немис тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762515>

Аннотация. Қуйидаги мақола ҳозирги немис тилида иловали элементларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари ёритиб беришга бағишланган. Немис тилида ёзилган бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида иловали элементларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари ва уларнинг матн доирасида бажарадиган функциялари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: илова конструкция, иловали элементлар, синтактик-семантик, трансформацион метод, аниқловчи, рамка конструкция, коммуникатив функция, предлог.

СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭЛЕМЕНТОВ ПРИЛОЖЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация. Данная статья посвящена освещению специфических семантических особенностей элементов приложения в немецком языке. На примерах из художественных произведений, написанных на немецком языке, анализируются специфические семантические особенности элементов приложения и их функции внутри текста.

Ключевые слова: аппликационные конструкции, аппликационные элементы, синтаксико-семантический, трансформационный прием, определитель, фреймовая конструкция, коммуникативная функция, предлог.

SEMANTIC FEATURES OF APPLICATION ELEMENTS IN MODERN GERMAN

Abstract. This article is devoted to highlighting the specific semantic features of the application elements in the German language. Using examples from literary works written in German, specific semantic features of application elements and their functions within the text are analyzed.

Keywords: applique constructions, applique elements, syntactic-semantic, transformational technique, determinant, frame construction, communicative function, preposition.

КИРИШ

Илова конструкцияда аниқловчилар функциясида келувчи компонентларнинг иловали элементлар шаклида ифодаланиб келиши иловали элементларнинг стилистик вазифалари ниҳоятда кенгрок эканлигидан, шунингдек, рамка конструкциясининг вариативлигидан далолат бермоқда. Агарда биз бадиий адабиётлардан олинган мисолларда трансформацион методдан фойдаланиб, иловали элементнинг ўзи бевосита боғлиқ бўлган бирикмани ёнидан қўйсак, у ҳолда «Dieses Bild zeigt der Gemeinderat Knecht Gustav Arbeit» кўринишига эга бўламиз. Аслида биз кутгандек ҳолат юз бермайди, чунки ёзувчи китобхоннинг диққат эътиборини жалб қилиш мақсадида, илова конструкция таркибида мавжуд бўлган айрим компонентларни ўз жойида эмас, балки бошқачарок жойга кўчирилиши унинг таъсирчанлигини, бадиийлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабаб иловали элемент функциясида келувчи: «-der Stadtrat Gustav Arbeit, - Gottes Segen über sie! Aber eines Tages - рамкадан ташқари ҳолатда қўлланилади, яъни иловали элемент сифатида намоён бўлади.

Аммо гапда иловали элементлар қанчалик рамкадан узоклашмаса, улар илова ҳодисаси назариясига асосланган мулоҳазани, яъни асосий ифода билан иловали элементнинг бир-бирлари билан синтактик-семантик боғлиқликларини яна бир бор таъкидлаб келади. Бундай ҳолларда асосий ифода ва иловали элемент ўртасидаги алоқалар фақатгина синтактик муносабатларга эмас, балки мазмуний муносабатларга ҳам асосланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги замон немис тилида иловали элементлар асосий ифодага нисбатан қандай ўринларда келишидан катъий назар, улар ўзларига боғлиқ бўлган коммуникатив функцияларни бажариб келади, яъни асосий ифода таркибидаги воқеа-ҳодиса аниқлаштириб, тўлдириб, изоҳлаб келади. Демак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, улар доимо бир-бирлар тўлдириб, кенгайтириб келади. Шунинг учун ҳам, иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни предлоглар ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида кузатиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Немис тилидаги бадиий асарлардан олинган мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, иловали элементлар функциясида асосан *wegen, trotz* предлоглари кела олишлари мумкин.

1) *Wegen* - предлоги билан келувчи иловали элементлар.

1. Als er wegging von zu Hause und aus dem Dorf, ist er eingetreten. Und hatte dann Arger. Einundsechzig. Wegen der Mauer [Herbert Otto 1972: 87].

2. Helgert beharrte darauf, daß ein solcher Leutnant kommen müsse. Wegen des Beispiels [Hofe Günter 1976: 162].

3. Und das Ende: Krieg, Auflösung von “Marienblute, Aufschluß aus Partei und Verband. Ja, GarlBrenten war aus der Partei und dem Tabakarbeiterverband ausgeschlossen worden. Wegen Disziplinbruchs [Bredel Willi 1980: 451].

Баъзи ҳолларда – *wegen* предлоги олдида сўз бирикмалари келиб, унинг маъно хусусиятини кучайтиради, ёки ажратиб кўрсатади, Натижада *wegen* – предлоги билан келувчи иловали элементларнинг асосий ифодага ёки унинг бирон бир компонентига нисбатан билдирилаётган қўшимча маъно ҳам ҳар хил нозикликларга эга бўлиши мумкин.

Масалан:

4. Nickolas hatte an seiner Lehrerin doch etwas gehangen und sagte ihr zum Abschied: “Ich werde mich öfters bei Ihnen melden, das verspreche ich Ihnen. VorallemwegendesGespenstes”!

5. Peter seufzte. “Ich bin ja nun langsam auch dafür, daß Wolverhampton Grenzen gesetzt werden. Nicht nur wegen meines Auftrages. Auch wegen der schlechten Aussichten für Horsewood [Küster Karl-Heinz 1973: 63].

Wegen пред оги бошқа сўзлар ёрдамида мураккаблашиб бориши мумкин. Натижада *wegen* томонидан билдирилаётган қўшимча маъно янада конкретлашади. Бухолни куйидаги мисоллар намунасида кузатиш мумкин:

6. Wolvehrampton nickte mißmutig. Meinetwegen. [Küster Karl-Heinz 1973: 21].

7. Du mit ihr, die du gewollt hast und bekommen hast ohne weiteres. Nur deinetwegen [Herbert Otto 1972: 109].

8. Sie hat ihre Hand auf deinem Kopf, und mit der anderen sucht sie nach dir.

Deinetwegen [Herbert Otto 1972: 109].

МУҲОКАМА

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва 8 рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг таҳлили асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: Wegen предлоги билан келувчи иловали элементлар якка ҳолда (1,2,3,8) ва кенгайтирилган (4,5,7) шаклларда келиши мумкин, иловали элементлар томонидан асосий ифодага нисбатан билдириладиган қўшимча маъно асосан сабаб характерига эга. 4,5,7-рақамли мисоллардаги иловали элементларнинг структуравий мураккаблашуви уларнинг маъно томонидан янада салмоқлироқ қилиб кўрсатади. Бундай илова конструкция компонентлари орасидаги синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг етакчилиги ва яхлитлиги билан ифодаланади. Структуравий жиҳатдан бу иловали элементлар сода структуравий иловали элементлардир, чунки илова конструкция таркибида асосий ифодага фақатгина бита иловали элемент бирикиб келаяпти.

Wegen – предлоги айрим ҳолларда мобиллик характерига ҳам эга бўлади, яъни у ўзи бошқариб келадиган сўз ёки сўз бирикмасидан кейин ҳам туриши мумкин. Иловали элементга хос бўлган бундай мобиллик, унинг стилистик функциясини янада кучайтиради, натижада тасвирланадиган воқеа яъни илова ҳодисанинг таъсири кучаяди. Бундай ҳолларда wegen каби предлогларнинг ҳамма вақт ҳам бир жойда, яъни коюда талаб қилган жойда келмаслиги билан характерланади. Фикримизнинг исботи сифатида wegen нинг иловали элемент таркибида қўлланилишига эътибор берайлик:

9. «Zumindest klang es im Radio wie ein Versprechen. Wir alle haben wahrscheinlich in den letzten zehn Jahren den Unterschied zwischen Spuren und Fakten gemacht. Die Amerikaner, die nicht so verächtlich sind, zu vergessen, wie sich etwas anhörte, als ein Krieg» war nicht sehr weit. Sie wollen jetzt keinen. Wegen der Ostzone. Die Russen sind nicht gegen deine Zone.

ХУЛОСА

Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири унинг бутун бир ката матннинг яқунловчи компоненти сифатида намоён бўлишидир. Ҳақиқатдан ҳам, иловали элементларнинг маъно хусусиятларига, барча айтилган фикрларга яқунясагандай тартибда пайдо бўлади, -hier – нинг иловали элементнинг таркибида ўзи бошқариб келадиган сўздан кейин келиши эса иловали элементларнинг стилистик функциясини янада бойитади ва кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедова.Б.М. Илова қурилманинг баъзи бир структуравий хусусиятлари (Л. Фейхтвангер асарлари асосида). -Самарқанд: СамДУ. 1997.-53.
2. Бегматов.М.Б.,Тўлдирувчилар билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари”. Номзодлик диссертацияси.-Самарқанд. СамДУ. 1999. 145 б.
3. Бўронов Ж. Б. Немис ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. -Т ошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.
4. Бушуй А. М. Лингвистика текста и речевая деятельность. Матн ва унинг талқини. Халқароилмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000 йил). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б.20- 29.
5. Турсунов Б.Т. Иловали унсурларга хос бўлган хусусиятларни ўзаро мантиқий бутунликда ўрганишга доир. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. СамДЧТИ, Самарқанд, 2004. -23-26 б.